ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1996 йил, 8 ноябрь № 44 (221) • Сотувда нархи эркин

ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг навбатдаги кенгаш йиғилишида корхонанинг таркибий бўлинмаларида 1996 йил III чорак ва 9 ойлик хўжалик-молиявий иш фаолияти якунлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача қайта қуриш ва ривожлантириш Миллий дастури»нинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар кўрилиб чиқилди. Ушбу тадбирда корхона таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари, иқтисодчилари, ҳисобчилари ва касаба уюшма қўмитаси раислари иштирок этди.

Йиғилишда вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг бошлиғи У. Султонов жорий йилнинг 9 ойи мобайнида электралоқа корхоналари томонидан алоқа хизмати сифатини яхшилаш борасида эришилган ютуқлар, камчилик ҳамда муаммолар тўғрисида фикр юритди.

Муҳокамада вилоят электралоқа корхонасининг бош ҳисобчиси Х. Иброҳимов, ишлаб чиқариш бўлим бошлиғи Э. Череповлар қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини билдиришди.

Кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан Данғара, Бешариқ, Қува, Ёзёвон туман электралоқа боғламаларининг бошлиқлари ва ҳисобчилари йўл қўйилган хато ҳамда камчиликларнинг асл сабаблари тўғрисида маълумот беришди.

Кенгаш йиғилишида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ф. УМАРОВА,
жамоатчи мухбиримиз



— Алло, «ХАБАР»га обуна бўлдийизми?..

• *Обуна—97*

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ойга 28 сўм, 6 ойга 168 сўм, 12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:
1 ойга 39 сўм, 6 ойга 234 сўм, 12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

• *Сурхондарёдан дараклар*

ВАЗИФА МАСЪУЛИЯТИ

Сурхондарё давлат почта алоқа корхонасида бўлиб ўтган йиғилишда жорий йил бошидан бери амалга оширилган ишларга баҳо берилди. Маълум бўлишича, кўплаб почта алоқа бўлимлари почта жўнатмалари ва нафақаларни эгаларига етказишда фаол иштирок этмоқда. Лекин Бойсун, Денов, Учқизил почта алоқа бўлимлари фаолиятида баъзи камчиликларга йўл қўйилган. Бундай ишлаб бўлмаслиги ва ҳар бир раҳбар ходим вазифа масъулиятини сезиб турмоғи йиғилишда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

ТОҒЛИ ҚИШЛОҚДА ТЕЛЕМИНОРА

Шеробод туманидаги Хомкон қишлоғи Кўҳитанг тоғи этагида жойлашган. Бу тоғли қишлоқ одамлари яқин-яқингача барча каналдаги телекўрсатувларни кўриш имкониятига эга эмас эдилар. Шу йил май ойида кичик телеминора ишга туширилгач, бу муаммо ҳам бартараф этилди. Ҳозир Хомкон қишлоғидаги юздан ортиқ оила бу янгиликдан хурсанд. Чунки улар телекўрсатувларни ўз вақтида ва бенуқсон мириқиб томоша қилишмоқда.

ЭЛ РАҲМАТ ДЕМОҚДА

Бобораҳмат Тўраевдан ҳамюртлари хурсанд. Чунки улар хонадонларидаги телевизор, радио каби буюмларини тузатиш учун узоққа қатнаб юришмайди. Уста Бобораҳматнинг сидқидилдан кўрсатган ёрдами ортиқча ташвишларга ўрин қолдирмаётир.

Олтинсой туманига қарашли Чеп қишлоғида истиқомат қилаётган кишилар Бобораҳматга фақат раҳмат дейишмоқда. Муҳими шундаки, у ҳар бир ишни пухта бажариб, мижозлар эътирозига ўрин қолдирмаяпти. Айни чоғда Бобораҳмат Тўраев мураббийлик ҳам қилмоқда. Туманнинг Хидиршо қишлоғидаги ҳунар лицейи ёшлари тажрибали устага шогирд тушишган. Устоз ва шогирдлар меҳнати беиз кетмаяпти.

ҲАМКОРЛИК НАТИЖАСИ

Бозор иқтисоди почта алоқа бўлимларини ҳам тадбиркорликка ундамоқда. Ўтган йили Қизириқ туманига матбуот нашрлари ва почта жўнатмаларини келтириш анча қийин кўчган эди. Жорий йилда эса Бойсун почта алоқа бўлими билан шартнома тузилиб, бу борадаги ташвишларга чек қўйилди. Шундай қилиб, Бойсун, Бандихон ва Қизириқ туманларига бир киши хизмат кўрсатмоқда. Термиз шаҳридан олинган матбуот нашрлари ўз вақтида кўрсатилган манзилга етиб келяпти.

— Илгари бу масалада кўп харажат қилардик, — дейди Қизириқ почта алоқа бўлими бош ҳисобчиси Жолғаш Муҳаммадиев. — Олдин кўрсатилган хизмат учун йилнинг ҳар бир чорагида 50 минг сўм маблағ сарфлаган бўлсак, энди унинг тенг ярми тежалмоқда.

Эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи қимматлиги туфайли почта хизмати машиналари бир жойда туриб қолган шароитда тадбиркорлик қўл келишига Бойсун ва қизириқлик почта ходимларининг тажрибаси яққол мисол бўла олади.

Н. ЗИЁЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти АҚШнинг «Кейс корпорейшн» компанияси президенти Жан-Пьер Россо бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Истамбулда Ўзбекистон Республикаси Бош консулхонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

• Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича Осиё кубоги учун XI мусобақалар бўлиб ўтади. Унда Осиё ўйинларининг чемпиони — Ўзбекистон миллий терма футбол командаси иштирок этади.

• Япониядан қувончли хабар келди. Бу мамлакатда ўтказилган самбо бўйича жаҳон чемпионатида 96 кг вазнлилар тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз бухоролик полвон Шуҳрат Хўжаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлди.

• Тбилисида Грузия билан Эрон ўртасида иқтисодий ҳамкорликда ривожлантиришга қаратилган тўртта ҳукуматлараро битим имзоланди. Улар орасида айниқса Грузия ва Озарбайжон орқали ўтадиган транспорт алоқасини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир.

• Татаристондаги соат заводларидан бири Туркманистон давлатининг махсус буюртмаси бўйича Президент Сапармурод Ниёзовнинг сиймоси туширилган 81 мингта қўл соатини тайёрлаб берди.

• Исроилда фаластинлик жангарилар томонидан террорчилик ҳаракатлари кутилаётганлиги сабабли армия ва ҳуқуқ-тартибот идоралари оширилган жанговар ҳолатига келтирилди.

• Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кимёвий қуролярогларни ман этиш бўйича халқаро конвенция кучга кириши учун етарли миқдорда имзо тўпланганлигини маълум қилди. Унга Венгрия имзо чекканидан сўнг конвенцияни ёқлаб чиққан давлатлар сони 65 тага етди. Бу ҳужжат 1997 йил апрель ойида кучга кириши керак.

• АҚШ билан Жанубий Корея биргаликда ўтказаётган «Фоулигл-96» ҳарбий машқларида 580 тага яқин жанговар самолёт иштирок этмоқда.

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ПОЧТАЧИ

Ҳаётда шундай инсонлар борки, улар ўз касбини ардоқлаб эл олқишига сазовор бўлишади. Йўлдошбой Муродов ана шундай камтарин меҳнати билан ҳурмат-эътибор топган алоқачилардан бири. У 1976 йили Амударё тумани почта алоқа боғламасида дастлабки иш фаолиятини бошлаган эди. Мана шунга ҳам 20 йил бўлибди.

Йўлдошбой ўтган йиллар давомида аҳолининг оғирини енгил қилишга интилди, ўз касби устида изланди. Нукус шаҳридаги алоқа коллежида сиртдан ўқиди. Ҳозирги кунда у Манғит шаҳрининг Беруний, Гурлан ва Дўстлик кўчаларидаги 320 дан ортиқ хонадонга газета-журнал, хатхабар етказиб, хизмат кўрсатади. Айни пайтда мана шу ерда истиқомат қилувчи аҳолига обуна масаласида яқиндан кўмак бераётир. 350 нафардан зиёд нафақачи ва 100 нафарга яқин ёш оналарга болалар учун белгиланган ёрдам пулини етказиб беришга интилмоқда. Шу билан бирга у 9 нафар почтачидан иборат аҳил жамоага етакчилик қилмоқда.

Биз билан суҳбатда Йўлдошбой Муродов шундай деди: «Ҳамма ишларимиз яхшию аммо нафақачиларга нафақа пулини етказиб беришда қийналяпмиз. Чунки бўлимимизга нафақа пулини етказишда узилишлар бўляпти. Шу сабабли ҳам нафақачиларга ўз вақтида нафақани етказаолмасдан хижолат бўлиб қоляпмиз. Қанийди, ҳамма ўзига юклатилган вазифани астойдил бажарса, ҳеч қандай оворагарчилигу норозилик бўлмас эди...» Йўлдошбой ана шундай куйди-пишди, талабчан инсонлардан. Илоҳим, юртимизда Йўлдошбой Муродовдек элсевар, меҳнаткаш, ҳужатбарор инсонлар кўпаяверсин...

Й. РАҲИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

•*Фахрийлар—фахримиз*

БУВАЙДАЛИК «БОЙ» ОТА

Акбаржон Мўминов 1957 йили Тошкент Алоқа коллежини тамомлаб Бувайда тумани алоқа тармоқлари бўлимига радиотехник бўлиб ишга келди. Орадан бир оз вақт ўтгач, ҳарбий хизматга чақирилди. Хизмат даврида ҳам радиоускуналарни тузатиш билан шуғулланди. Армиядан сўнг яна у ўз ишини давом эттирди.

1961 йили Акбаржон ҳаётида қўшалоқ воқеа юз берди: шу йили уқитувчи қиз Турғуной билан оила қурди, уни туман алоқа бошқармаси бошлиғининг ўринбосари этиб тайинлашди. Кейинги йили эса туман алоқа бошқармаси бошлиғи бўлди. Мана шу даврларда алоқачилар уйи, Бувайда қишлоғида алоқа бўлими учун янги бинолар қурилди. Бу хайрли ишларга Акбаржон Мўминов бош-қош бўлди.

Акбаржон ота ва Турғуной Мўминовларнинг саккизта фарзанди, 20 нафардан ортиқ невара, чевараси бор. Ҳозирги кунда улар қарилик гаштини суриб, фарзандлари камолини кўришмоқда. Отахоннинг фарзандлари — Мухторжон ва Фурқатлар нефт базасида механик вазифасида ишлаётган бўлса, Дилрабо, Фарҳоджон, Акмалжон, Дилобод ва Анваржонлар турли соҳаларда фаолият кўрсатишиб, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Биз билан суҳбатда Акбаржон ота «Бойлигим — фарзандларимдир. Уларнинг камолини кўриш ҳам бир бахтки, бундан одамзод роҳату-фароғат олиб яшайди» деб айтдилар.

Дарҳақиқат фарзандлар эъзозида пиру-бадавлат бўлиб яшашга не етсин.

Қ. ТУРСУНОВ,
жамоатчи мухбир,
Фарғона вилояти

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

Тошкент электротехника Алоқа институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, техника фанлари доктори, Халқаро ахборотлаштириш Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Юрий Саъдуллаевич Саъдуллаев 50 ёшга тўлди.



Юрий Саъдуллаев 1946 йили Қашқадарё вилояти Китоб туманининг Қайнар қишлоғида таваллуд топди.

Меҳнат фаолиятини 1961 йил Китоб шаҳридаги радиотехника тўгараги раҳбари сифатида бошлади. Техника фанларига, хусусан радиотехникага қизиқиш уни 1965 йили Тошкент электротехника Алоқа институтига бошлаб келди ва 1971 йили институтни муваффақиятли тугатиб радиоалоқа муҳандиси ихтисослигига эга бўлди. У институтда таҳсил олиш билан бирга 1966-1975 йиллар Тошкент телемарказида меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Билимга чанқоқ, янгиликка интилувчан Ю. Саъдуллаев 1973 йили Бутуниттифоқ сиртқи электротехника алоқа институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва бу ерда у 1977 йилгача таҳсил олиб илмий тадқиқотлар олиб борди.

1977 йилда кандидатлик диссертациясини ёқлагандан сўнг ёш олим ТЭАИга мураббийлик, илмий-тадқиқот ишларини давом эттириш мақсадида ишга келди. Бу ерда ассистент, доцент, кафедра мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди, 1994 йил ноябрдан унинг зиммасига институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори вазифаси юкланди.

Юрий Саъдуллаев 1991 йили кўп йиллик илмий изланишларидан сўнг космик тадқиқотлари институтида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. У 1993 йили Халқаро ахборотлаштириш Академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди. 1994 йилда унга профессор илмий унвони берилди. Изланувчан профессор телевидение, тасвирларни қайта ишлаш, телевизион сигналларни узатиш соҳалари бўйича 100 дан ортиқ кенг қамровли илмий ишларнинг муаллифидир, жумладан, 25 та кашфиётлар ихтирочиси ва битта монография муаллифи ҳамдир.

Айни пайтда Ю. Саъдуллаев институтда раҳбарлик ишлари билан бир қаторда ёшларга устозлик ва мураббийлик вазифаларини ҳам сидқидилдан бажариб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида унинг раҳбарлигида 100 дан ортиқ олий маълумотли мухандис мутахассислар тайёрланди, улар республикамиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги Ю. Саъдуллаевни алоқа соҳасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун «Фахрий Ёрлиқ» билан мукофотлади.

Юрий Саъдуллаев заҳматкаш олим, устоз ва ажойиб инсон ҳамда меҳрибон оила бошлиғи ҳамдир, у уч нафар фарзандининг отаси, фарзандлари ҳам ота изидан бормоқдалар.

Тошкент электротехника Алоқа институти жамоаси кадрли Юрий Саъдуллаевни таваллуд куни билан самимий қутлаб, соғлик-саломатлик, ижодий ютуқлар ва шахсий ҳаётида катта муваффақиятлар тилайди.

ХОРМАНГ, АСАН АКА!

Ҳозирги кунда алоқа хизматига талаб катта, одамлар матбуот нашрларини ва нафақа пулларини ўз вақтида олишни хоҳлайди. Бу эса почтачи елкасига катта масъулият юклайди.

Мана шу юксак масъулиятни ҳис этиб астойдил меҳнат қилаётган почта алоқа бўлимлари Денов почта алоқа боғламасида талайгина.

Денов туманида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул маблағлари эмиссиясининг қисқартириш чора ва тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қатъиян амал қилган ҳолда ойлик ва йиллик режа кўрсаткичларини 4-5 фоизга ортиғи билан бажараётган 28 та алоқа бўлими мавжуд.

1993 йил 23 декабрда ўтказилган республика почтачилар танловининг ғолиби, Писта-Мозор алоқа бўлимининг бошлиғи Худойберди Қаршиев, Потос алоқа бўлими бошлиғи Тоштемир Эргашев, Жданов алоқа бўлими бошлиғи Нуриддин Исмоилов, Катта-Қарши алоқа бўлими бошлиғи Абдураззоқ Шарипов, Янги-Ҳазорбоғ алоқа бўлими бошлиғи Тожиддин Оқниёзов, Жаматоғ алоқа бўлими бошлиғи Эрдон Раимовлар етакчилигидаги меҳнат жамоалари илғор қишлоқ почта бўлимларидан ҳисобланади.

Ана шундай намунали почта бўлимларидан бирининг бошлиғи Асат ака Муродов 1964 йилдан буён Илонсой алоқа бўлимига етакчилик қилиб, кунлик иш режасини тузган ҳолда иш бошлайди. Бунинг боисини сўраганимизда «саҳар очилган эшикка хайру-барака киради болам» дея жавоб қайтардилар. Нафақа пулларини тарқатишда Асат ака бошлиқ алоқа бўлими фаоллик кўрсатаётир. Бўлим жамоаси фуқаролардан тушган ҳар бир таклиф ва мулоҳазаларга алоҳида эътибор бериб, уларнинг кўнглини бир оғиз ширин сўз билан кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

«Фалакнинг гардиши билан қайтадан яралганимда ҳам шу касбимни деган бўлар эдим» дейди жонкуяр почтачи. Асат аканинг тўлқинланиб сўзлаётганида юзларида ажиб бир нур зоҳир бўлади. Назаримда, бу унинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти ва ўтиб бораётган мазмунли умридан мамнунлигидан дарак бераётгандек гўё...

Асат ака эндигина 56 ёшдалар. У киши қон томирини меҳнатнинг теридан суғораман деб елиб-югураётган кўплаб ёшларга ўз меҳнат тажрибаларини ўргатаётирлар. Бу сермашаққат ва шарафли меҳнат йўлида Асат аканинг ғайратига минг карра ғайрат қўшилишини тилаб қоламиз.

Матлуба МЕЛИБОЕВА,
Сурхондарё вилояти

Бухоро вилоятининг Қоровулбозор шаҳрида «Алоқа уйи»нинг икки қаватли янги биноси қуриб битказилди.

«Алоқаинвест» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган ушбу иншоотда бирйўла 10 минг мижозга хизмат кўрсатадиган замонавий алоқа воситалари ўрнатилади. Шунда аҳоли Қоровулбозорда туриб, дунёнинг исталган жойи билан гаплашиш имкониятига эга бўлади. Айни чоғда янги «Алоқа уйи» бу ерда тикланаётган нефтни қайта ишлаш корхонаси қурилишини ҳам тезлатишга имкон беради.

АЛОҚА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти қурилиш ташкилотлари ҳамда алоқачилар

ДИҚҚАТИГА

РЕСПУБЛИКА РАДИОЭШИТТИРИШ, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ РАДИОМАРКАЗИ КАБЕЛЬ ЛИНИЯЛАРИ УЧАСТКАСИНИ ҚАЙТАДАН ЖОЙЛАШТИРИШ ИШЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН РАДИОМАРКАЗНИНГ МАНЗИЛИ ВА ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ ЎЗГАРГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

ТОШКЕНТ РАДИОМАРКАЗИНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ФАРҒОНА ЙЎЛИ КЎЧАСИ 15, ТЕЛЕФОН: 92-23-25.

• *Ажаб дунё*

ИТ ДЎКОНГА БОРАДИ

Пермдаги бозорлардан бирида ғаройиб харидор пайдо бўлиб қолди. Ҳар куни тонг саҳарда битта дўконга каттакон ит келарди. У орқа оёқларида туриб, тумшуғини пештахта туйнугига суйкарди. Тишларида пул ва хат солинган пакет бўларди. Сигарет ёки консервани олгач, уйга жўнарди. Лайма деб аталувчи овчарканинг эгаси Герман Тараканов — ногирон. Иккала оёғидан ҳам ажралгач, энди аравачада юради. Ит унинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолган. Овчарка фақат кўмакчигина эмас, хўжасининг қўриқчиси ҳамдир.

ТИЛ БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Асл келиб чиқиши диванлик бўлган 43 ёшли бразилиялик Зоид Юсуф Фазах жаҳонгашталикни ихтиёр этган одамга кўп тилни билиш жуда асқотади деган хулосага келади. Ўн тўрт ёшида у кўп тилларни ўрганиб, кўплаб мамлакатларга бориш ва ҳамма ерда халқларнинг ўз тилида гаплашишни дилига тугиб қўяди. Ҳайратланарлиси шундаки, ўзи ишлаб чиққан усулга кўра 17 ёшидаёқ 58 та тилни ўрганиб олади. Кунига тил ўрганиш учун бир-икки соат вақт сарфлайди.

У шу кунгача бир гуруҳ ўқувчиларга тил ўргатиш орқали тирикчилик қилиб келарди. Тўғри, эндиликда беқиёс истеъдодини ишга солиб, бир неча тилда дарсликлар тайёрламоқда. Эҳтимол, ана шу ишдан тушган даромад орқали орзусига эришар. Ҳозирча у фақат Грециядагина бўлди. Польша, Греция, Япония, Финляндия консулликларида билимини синаб кўришганда «аъло» баҳо олди. Унинг келажаги ҳали порлоқ, эндигина 40 ёшга кирди...

МУКОФОТ МУБОРАК

Алоқа соҳасидаги кўп йиллик хизмати учун «Тошкент почтаси» давлат ишлаб чиқариш корхонасига қарашли Чилонзор тумани почта алоқа боғламаси бошлиғи **Соибжон Исмоилович СОДИКОВ** Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг **«ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ»** билан мукофотланди.

***Маҳмуд ИБРОҲИМОВ** — Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида туғилган. Бобоси Шерали Умарали ўғли қишлоқнинг кўзга кўринган табиби эди. У бобоси йўлидан бориб, жамиятдаги нуқсонларни тузатиш ва инсонларнинг «дарди»га «малҳам» бўлиш мақсадида фельетончилик касбини танлади. Матбуотда ўз фельетонлари билан қатнашиб, «Митти фельетончи» деган номни олди. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлагач, турли таҳририятларда ишлаб, қаламини чархлади.*

М. Иброҳимовнинг «Дод, хотиннинг дастидан» номли китоби чоп этилган.

Биз «Бошланғич таълим» журналида хизмат қилаётган ҳамкасбимиз Маҳмуд Иброҳимовни 60 ёши билан қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.



«ЙИҒЛОҚИ» ОНА

(Онажоним Баҳриниса Кўчабой қизи хотирасига)

Бу қишлоқ шаҳардан унча узоқда эмас. Агар шифер қоқилмаганда томга чиқиб қаралса, шаҳардаги чироқлар бемалол кўринади. Одамлар бу қишлоққа ҳам троллейбус қатнайди, дейишяпти. Яхши ният-ярим мол...

Ана шу қишлоқда бир она бор. Жуда «йиғлоқи». Аниқроғи-кўнгилчан, меҳрибон, одамохун. Мабодо суҳбатлашиб қолсангиз, худди баҳор булутларидек дув этиб кўзидан ёш тўкилади-ю яна қуёш чарақлаб кетгандек кулиб гаплашаверади. Онахон одамларни ўйлайди, уларнинг ташвиш-қувончларига шерик бўлгиси келади. Боёқиш бошидан кечирган оғир кунларини, биркам дунёнинг шўру ғавғоларини, доимо ломон кунларни кўролмай доғу ҳасратда ўтиб кетган яқин жигаргўшаларини армон билан эсласа керакки, гоҳо йиғлаб-йиғлаб ғаму ҳасратларини аритади...

Ўзи ориққина, паст бўйли, озғин. Ажин тўр ташлаган юзларида ҳамиша хайрихоҳлик-ҳамдардлик аломатлари зоҳир. Айни чоғда нур ёғилиб турган сиймосидан унинг ёшлигида анча хушрўй аёл бўлганлиги сезилиб туради. Ҳамқишлоқларнинг онахонга ихлослари баланд. Аёллар «Биз ҳам шу онахондек невара-чевара бўлиб юрайлик» деб орзу қилишади.

Аёл учун она бўлишнинг ўзи катта бахт. Бола-чақаларини тенг-тенги билан жуфтлаб қўйгани яна бахт. Агар улар ўз-ўзидан тиниб-тинчиб, бола-чақали бўлиб кетса, нур устига аъло нур. Ана шуларнинг бахтига кўп йиллар умр кўрган кексалардай азиз, мўътабар инсон борми дунёда?!

Бизнинг «йиғлоқи» онамиз ана шундай мўътабар зот. Агар унга «Сиз оналарнинг онасисиз! Сиз энг бахтли инсонсиз!» десангиз, онанинг кўзларидан яна мўлтираб ёш оқади. У йиғлайди, аммо нега йиғлаганини айтмайди.

Тўғри, оналар кўп йиғлайди. Севинишса ҳам, диққат бўлишса ҳам йиғлашади. Чунки она юраги сезгир, она қалби дарё... Она ҳеч нарсага бефарқ қаролмайди. У кулиб туриб йиғлайди, йиғлаб туриб кулади...

Бу қишлоқда бир «йиғлоқи» она бор...

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

ҲИКМАТЛАР

Тўрт нарса эркакнинг камолотига далилдир: биринчиси дўстлар билан машварат қилишлик, иккинчиси душман билан мадора қилишлик, учинчиси иссиқ ҳавога чидамлик, тўртинчиси аччиқ сўзга чидашлик.

* * *

Икки нарса одамни икки нарсага етказади: сабр — муродга, қаноат — қудратга.

Тўрт нарса тўрт нарсани келтиради: сукут — саломатликни, яхшилик — эминликни, саховат — буюкликни, шукр — зиёдаликни.

* * *

Тўрт нарсани қайтариб бўлмайди: айтилган сўзни, ўтган ишни, отилган ўқни, ўтган умрни.

* * *

Саломатлик уч нарсададур: худонинг берган умрига рози бўлиш, дин шартларини бажариш, бировнинг дилига озор беришдан узоқ бўлиш.

* * *

Тўрт нарса икки жаҳоннинг саодати ва абадий мурод-ларидандур: Худо ва пайғамбарга бўйсуниш, ота-онани рози қилиш, олиму донишмандга хизмат қилиш, худои таоло томонидан яратилганларга шафқат.

* * *

Тўрт нарсадан эҳтиёт бўлмоқ керак: тезлик ва шошма-шошарликдан, қаҳр-ғазабдан, бахиллик ва хасисликдан, мақтанчоқлик ва такаббурликдан.

* * *

Тўрт нарса аҳмоқлик далилидир: ўзига бино қўйиш ва такаббурлик, бошқаларнинг айбини қидиришлик, бахиллик, аблаҳдан умидвор бўлишлик.

* * *

Тўрт нарса хушбахтликдир: асли поклик, қўли поклик, тўғри раъйилик.

* * *

Тўрт нарса саодат далилидир: тўғри сўз, тавозеъ, ҳалол касбу ҳунардаги меҳнат, сир сақлаш.



ҚУШЛАР ВА ТУЗОҚ

Бир овчи кўл бўйига тўр ташлаб, кўп қушларни тутиб олибди. Қушлар йирик-йирик экан, тўрни кўтарганча учиб кетишибди. Овчи ҳам қушларнинг ортидан қорама-қора бораверибди. Бир деҳқон овчини кўриб, шундай дебди: «Қаёққа чопяпсан? Ахир қушларга яёв етиб бўладими?» Овчи жавоб берибди: «Мабодо битта қуш бўлганда етолмасдим, аммо ҳозир етволаман».

Овчининг айтгани келибди. Оқшом тушиши ҳамон ҳар бир қуш тунаш учун ўз томонига торта бошлабди: биттаси ўрмонга, бошқаси ботқоқликка, учинчиси далага интилибди: оқибат ҳаммаси тўр билан ерга қулаб тушиб, овчи уларни тутиб олибди.

ПОДШО ВА КЎЙЛАК

Л. ТОЛСТОЙ

Бир подшо бетоб бўлиб қолибди ва: «Кимки дардимга шифо топса ярим подшолигимни бераман», дебди. Шунда жамики донишмандлар тўпланиб, подшони қандай даволасак экан дея маслаҳатлашишибди. Ҳеч ким чорасини тополмабди. Фақат бир донишмандгина подшонинг дардига даво топса бўлади дебди. У агар бахтли одамни топиш мумкин бўлса кўйлагини ечиб, подшога кийдириш керак, шунда подшо тузалиб кетади дебди. Ўз туриш-турмушидан рози бўлган бирон-бир кимса топилмабди. Биров бой бўлса соғ эмас, биров соғу аммо қашшоқ, соппа-соғ ва бадавлат бўлгани хотинидан ёлчимаган, яна кимнидир болалари ноқобил, ҳаммаси ишқилиб нимадандир зорланади. Бир куни кеч оқшомда шаҳзода бировнинг кулбаси ёнидан ўтиб кетаётиб. ичкаридаги гапни эшитиб қолибди: «Мана, худога минг қатла шукурки, ишимни битириб келдим, қорним ҳам тўқ, энди ухласам бўлади, менга тағин нима керак?»

Шаҳзода суюниб кетибди, ҳалиги одамнинг кўйлагини ечиб, ўрнига қанча хоҳласа шунча пул беришни ва кўйлакни шаҳаншоҳга элтишни буюрибди. Хизматкорлар бахтли одамнинг олдига келиб, кўйлагини ечмоқчи бўлишибди, аммо бахтли одам шу қадар қашшоқ эканки, боёқишнинг ҳатто эгнида кўйлаги ҳам йўқ экан.

ТЎЙ ТЎРПАДАСИ

БУ АНЪАНА биринчи марта қадим замонларда Ҳиндистонда пайдо бўлган. Ота-оналар бир тўхтамга келганларда, куёв ва келин бир-бирларини кўрмай тўй ўтказаверишган. Келин тўйга юзини тўрпарда билан яшириб келган. Бу асосан ҳунук келинлар учун иш берган. Тўй ўтгандан кейин эса ҳар қандай куёв ҳам тақдирига тан бериб яшаб кетаверган.

ТЎЙ ТОРТИ

ҚАДИМГИ замонларда Англияда меҳмонлар тўйга бир-бирининг устига қўйилган нонларни тортиқ қилиб келишган. Келин ва куёв ўртага ана шу уйилган нонларни қўйиб ўтиришган. Агар нон тўкилиб кетмаса, никоҳ маросими яхши ўтди, ёш оила бахтли яшайдилар, деб ҳисобланган. Бундан 200 йил аввал парижлик ошпаз кўп қаватли торт ясаган. У бир-бирининг устига уйилган нонга

• Биласизми?

ўхшаб кетарди. Кейинчалик келин ва куёвга ана шундай тортларни тортиқ қилиб бориш одат тусига кирди.

КУЁВ ЖЎРАЛАР

БУНДАН минг йиллар олдин Англияда куёв ўзига куёв жўрани танлайдиган бўлди. Унинг вазифаси келинни ўғирлаб кетишларига йўл қўймасликдан иборат эди. Бундан ташқари куёв никоҳ узугини ҳам ўз жўрасига ишониб топширган. Негаки, агар узук йўқолса тўй ўтказиш таъқиқланганди. Куёв жўра ва никоҳ узуклари ана шундай тарзда пайдо бўлган.

КЕЛИННИНГ ДУГОНАЛАРИ

ТЎЙДА келиннинг дугоналари ҳам бўлиши бундан минг йил илгари Европада пайдо бўлган. Дугоналарни қизнинг ота-оналари танлашган. Улар келинни ҳар қандай кутилмаган воқеалардан сақлаганлар.

НИКОҲ УЗУГИ

ҚАДИМГИ Греция ва Римда куёв ўз қаллиғининг чап қўлидаги ўрта бармоғига узук тақишни одат қилган. Айтишларича, асосий қон томир ана шу бармоқдан юракка ўтар экан. Куёвлар узукни ушбу қон томир устига тақиб, келинни ўзларига бир умрга боғлаб олдик, деб ишонишар экан.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир ўринбосари: Иззат АҲМЕДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ, Шуҳрат ЖАББОР, Анатолий КУДИНОВ, Шодмон ОТАБЕК (Бош муҳаррир), Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб), Мирпўлат МИРЗО, Рустам ҚОСИМОВ, Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ, Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўривой АҲМЕДОВ, ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АКБАРОВ, Шоҳруҳ АКБАРОВ, Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ, Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ, Тоғай МУРОД, Саид СИДДИҚОВ, Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририят келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмасligи лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Т-0608. 7863 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123456

ДУШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 Лирик тароналар.
9.00 Футбол шарҳи.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кишлоқ тадбиркорлари».
10.25 «Нафосат шайдолари». Кинодастур.
11.00 Ҳ. Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар ороли». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.50 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.20 «Тилла тиш». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.30 «Мозийдан садо».
18.45 Дилнавоз садолар.
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бунюк келажак сари».
21.20 Мусиқий хазина. «Феруз».
21.50 «Вақт». Публицистик кўрсатув.
22.10 «Бу оқшом...»
22.40 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камерton». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камерton». Шеърият.
21.10 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур.
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Спорт китъаси».
23.35 — 00.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Зигфрид ва Рой афсунгарлиги». Дам олиш дастури.
19.00 «Кишлоқда байрам». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси
19.10 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Хотирамиздаги шаршара». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.40 — 23.15

*

23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Умид».
19.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
19.50 «Автограф».
20.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.20 Эълонлар.
20.25 «Мафтункигиан». Бадиий фильм.
21.55 «Спорт-тайм».
22.25 «Куйла, Санобар». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Шлягер».
23.00 Эълонлар.
23.05 «5+1».
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Буюк Ипак йўли. Нурота».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Инглиз тили.
11.00 Она тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 Дутор ва тамбур тароналари.
12.30 «Дастгоҳки тергов». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.25 «Кутлов». Болалар учун қизиқарли дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 Юртим ҳамоли.
18.40 «Пахтакор» қалдиргочи». Ахмал Азизхўжаев.
19.00 «Юксалиш». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Оҳанглардан тараларн мехр.
21.40 «Ургимчак тури». Телесериал.
22.20 «Альманах-ТВ».
22.55 «Замон».
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.15 «Олтин квит».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Киноингоҳ».
23.50—00.20 «Спорт китъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қалғиндилар». Илмий-оммабоп кўрсатув.
19.00 «Билдирсой». Телефильм.

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.10 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Олга, Аргамак». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.40 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Сен қаҳингда ва сен учун».
19.20 Шифокор билан мулоқот.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Янги ижтимоий».
21.15 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
21.45 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
22.00 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.00 «Жилет-спорт».
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Устоз ва шогирд». Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазохудова ва Хурсанод Қодирова.
8.55 «Дурдона».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Изланишлар самараси».

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Табиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Ассалом, япон тили!».

*

12.10 «Ўсмир ва қонун».
12.30 «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.40 «Альманах-ТВ».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гулларимиз».
18.25 «Бу ёруг оламда Ватан биттадир...».
18.30 «Замон билан ҳамнафас».
18.45 «Рэнгли дунё».
19.05 «Саёҳрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Бунюк келажак сари. «Ихтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Менинг ҳам ўз созим бор...»
21.45 «Ўзбекенгилсаноат» тақдим этади...
21.50 «Автосалон».
22.00 «Талқин. XX аср».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бокс. Сидней Льювич Жаксон хотирасига багишланган халқаро турнир. Ярим финал.
00.40 Тунги тароналар.
00.55—01.05 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дойче Велле» намойиш этади.
21.30 «Дриблинг».
21.55 «Юлдузли механика».
22.35 «Спорт китъаси».
23.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.40 — 00.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Марк Твен қарши». Бадиий фильм.

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.10 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Гўзал ўлка». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.50 — 23.25

*

23.25 «Шохсупа сари йўл».
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштараси».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Ирендак».
19.35 «Ер шари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Кафолат».
20.30 «ТВ IV канали эксклюзиви».
21.00 «Тошкент оқшомида».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мезон».

TV ТВ

22.00 «Гулдаста».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Қалб тароналари». Мусиқий дастур.
23.25 «Бу ажиб дунё».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Зилол». Фольклор-этнографик ансамбларнинг телевизион фестивали.
8.55 «Ихтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Г россиялик актер Саидали Иуздошев.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 Давлат ва ҳуқуқ асослари.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 Кимё.

*

12.00 «Кичкинтой» устахонаси.
12.30 «Бунюк умр дерлар». Телеочерк.
12.45 «Кизил кор ёқанда». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 Мумтоз ашулалар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Катта таъқиб».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Кўғудаги акс».
19.05 «Ақлимдор лугати».
19.20 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Озма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дақиқат, премьера: «Сохибкирон». Видеофильм. 4-қисм.
21.50 Дилнавоз садолар.
22.00 «Мутоиба». Ғаишанба ҳазиллари.
22.15 «Одобнома».
22.25 Бокс. Сидней Льювич Жаксон хотирасига багишланган халқаро турнир. Финал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ижки дил достони». Бадиий фильм.
01.30 Тунги тароналар.
01.40 — 01.50 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Хобби-холл». Қизиқарли дастур.
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.05 «Табиат дунёси».
11.55 «Компьютер-Осиё».
12.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.30 — 14.10 Видео — «О».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.40 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.25 «Киноингоҳ».
24.00 — 00.30 «Спорт китъаси».

III

17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Олимпиада оҳанглари». Спорт дастури.
18.20 «Ихлом». Телефильм.
18.40 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.

*

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.10 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Зотли отлар». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.45 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 Эълонлар.
19.40 «Онагинам».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Интер-спорт».
21.10 «02» тўлқинида».
21.25 «Каталог».
21.40 «Эколот-коктейль».
22.10 «Эллада».
22.40 «Компьютер-ревю».
23.05 Телефильм (Япония).
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 Пойтахт концерт залларида.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фермер». Тележурнал.

Ўқув кўрсатувлари:

10.30 География.
11.00 Немис тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Сохибкирон». Видеофильм. 4-қисм.
12.30 «Алломиш авлодлари».
13.05 «Сахна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Маърифат маскани».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти қолдулар».
18.30 «Муголар».
18.50 «Бизнес ҳафта якунлари».
19.00 «Аудитория».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Эртага — шанба.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Дақиқат, премьера: «Сохибкирон». Видеофильм. 5-қисм.
21.50 Дилнавоз садолар.
22.00 «Ривоят».
22.10 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Мафтункор чехралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Таманно».
9.30 Мулоҳаза учун мавзу.
9.50 Дилором наволар.
9.55 Видео кинолавҳалар.
10.10 Видео—«О».
11.50 — 14.00 «Спорт китъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Рақурс».
22.00 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 00.20 «Спорт китъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 1-серия.

Россия жамоат телевидениеси

7.30 — 9.00 «Телетонг».

* * *

19.15 — 21.35

*

21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 «Шарқ афоризмлари». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.55 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дидар».
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Мусиқий мезонхона».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Коинот».
21.35 «Ўй остонадан бошланади».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Бу бўстон аро».
22.40 «Тўмтоқсиз қилжаклар йўқ».
23.10 Араб эстрадаси.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.30 «Ғарчанчук». Мусиқий дастур.
9.05 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Паҳлавон Маҳмуд».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.30 «Талабалик йилларим».
11.10 «Хабарнома».
11.20 «Бахс».
11.45 Мулоҳаза, мунозара, муносабат.

*

12.15 «Сохибкирон». Видеофильм. 5-қисм.
12.45 «Шоҳрух» клуби.
13.15 Эстрада қўшиқлари.
13.45 — 15.15 «Табор кўкка интилади». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 Дилнавоз садолар.
19.10 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 Дилнавоз садолар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бунюк келажак сари».
21.20 Дақиқат, премьера: «Сохибкирон». Видеофильм. 6-қисм.

«Туғи ёғду».
Дам олиш дастури:

22.00 «Заковат».
22.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.25 «Имкон чўққилари».
22.35 «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 1 ва 2-серилар.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Рақурс».
11.40 «Киноингоҳ».
13.20 — 14.20 «Спорт китъаси».

* * *

18.00 «Мультдаста».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дублёж».
20.05 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 — 23.35 Видео — «О».

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.10 «Аёлни изланг». Бадиий фильм. 2-серия.

Россия жамоат телевидениеси
18.20 — 21.35

*

21.35 «Мўъжизакор гўзаллик сири». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.35

*

22.35 Эълонлар.
22.40 «Ок бўрижар». Бадиий фильм.
00.20 — 00.30 «Жонажон шаҳрим жамоли». Телефильм.

IV

9.00 «Аэробика».
9.15 Эълонлар.
9.20 «Шанба эртаги».
10.50 «Комедиантлар».
11.10 «Клип-антракт».
11.15 «Раҳсдор қанотида».
11.45 «Клип-антракт».
11.50 Кинонинг олтин асри. «Ихтиком куни». Бадиий фильм.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Одам ва олам».
20.30 «Клип-антракт».
20.35 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.40 «Салом, Франция!».
21.10 Эълонлар.
21.15 Кинонинг олтин асри. «Ромео ва Жульетта». Бадиий фильм. 1-серия.
22.20 «Чинсэн».
22.50 «Спектаклдан сўнг...».
23.20 «Беш дақиқа ўзим учун».
23.25 «Хит-коллекция».
23.40 «Жилет-спорт».
00.10 «Бу ажиб дунё».
00.30 Эълонлар.
00.35 — 00.45 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
11.40 «Уйла! Изла! Топ!». Телемусобака.
12.15 «Сохибкирон». Видеофильм. 6-қисм.
12.55 «Ўзбекистон спорти».
13.15 «Болалигим — пушоғилигим». Видеоканал.
14.15 — 14.55 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 16-кўй.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси хафтада».
19.15 «Согинч».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўзака-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бунюк келажак сари».
21.25 «Ихлом сатрлари».
21.30 «Мусиқа салтанати».
21.50 «Шахс ва бахс».
22.15 Дақиқат, премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 17-кўй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Хафтанома».
24.00 «Келгуси хафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.35 — 00.45 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.40 «Жозиба».
9.30 «Дублёж».
9.45 «Жозиба».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15 — 14.00 «Спорт китъаси».

* * *

18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Дарахчи».
18.20 «Боланинг тили...».
18.30 «Мульти-пульти».
18.45 Таманно».
18.55 «Табиат шифохонаси».
19.05 Мулоҳаза учун мавзу.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.20 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Хафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Мухлис».
21.25 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
22.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 Видео — «О».
00.20 — 00.25 Дастур ниҳояси.

III

17.05 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

Россия жамоат телевидениеси
17.40 — 23.00

*

23.00 Эълонлар.
23.05 — 23.30 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсэ?».
12.25 «Жонли саёҳат».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Хужжатли кино.
13.25 «Ок соя».
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Кинозал. «Ўйинчоқ». Бадиий фильм.
15.45 «Биргалашиб куйлайлик».
16.30 «Лирик ҳаҳза».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вахтинг».
17.10 «Бола йўқолди». Қисқа метражли бадиий фильм.
17.40 «Мусиқий Олимп».

* * *

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «ТВ IV да етти кун».
20.00 «Мультқарусель».
20.15 «Телеташиреф».
20.30 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин».
21.00 «ТВ IV да етти кун».
21.15 «Клип-антракт».
21.25 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 «Голливуд-рок». Ёшлар учун мусиқий дастур.
22.30 Кинозал. Кевин Костнер «Қасос» фильмида.
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

(«Тошкентдан ғапирамиз ва кўрсатамиз» теледастуридан олинди).